ЎЗБЕКИСТОНДА ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маматкулов Илҳом Абдурашидович
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти ректори, и.ф.д.
https://doi.org/10.5281/zenodo.14729252

Аннотация. *Мазкур мақолада Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиётнинг бугунги кундаги ҳолати, унга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Хусусан, солиқ маъмуриятчилигида электрон хизматлар уларнинг хуфёна иқтисодиётга таъсири ва бу борада мавжуд муаммолар тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада солиқ маъмурчилигида электрон хизматлар кўрсатилишини такомиллаштириш орқали хуфёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *иқтисодий сиёсат, макроиқтисодий барқарорлик, хуфёна иқтисодиёт, солиқ тизими, тадбиркорлик субъектлари, рақамли хизматлар, интеграция.*

Маълумки, хуфёна иқтисодиётга қарши кураш дунёнинг кўплаб мамлакатларида долзарб муаммолардан бири сифатида эътироф этилади. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ҳам хуфёна иқтисодиётнинг кўлами юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Хуфёна иқтисодиёт нафақат иқтисодий ижтимоий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик, балки, аввало, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини қондириш, яъни катта миқдорда қўшимча даромад олишни кўзлаб давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкидан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиноий йўл билан фойдаланишдир.

Мамлакатимизда бизнес учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт улушини камайтириш чоралари кўрилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида Фармони билан мамлакатимизда фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” тасдиқланди. Ушбу Тараққиёт стратегия билан норасмий секторда бандликни камайтириш бўйича тегишли стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда яширин иқтисодиётни қисқартиришда жамоатчилик ролини ошириш ва норасмий секторда банд бўлган аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимояни таъминлаш юзасидан тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси белгилаб берилди.

Шундан келиб чиқиб, солиқ тизимида ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этган ҳолда, солиқ тўловчиларга мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга шароит яратиш ҳисобига солиқ йиғимларини ошириш, шунингдек, инсон аралашувини чеклаш, қарор қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш ва ягона

стандартлари жорий этиш мақсадида махсус стратегия белгиланди. Мазкур стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро алоқани масофавий тарзга ўтказиш, барча иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали тўлиқ автоматлаштириш ва интерактив давлат хизматлари сонини кенгайтириш;
- давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ахборот тизимлари билан электрон ҳамкорлик орқали ахборот алмашинувини самарали ташкил этиш ҳамда бу борада мавжуд муаммоларни бартараф қилишдир.

Бугунги кунда интернет тармоғи орқали нафақат давлат хизматлари, балки интернетнинг ажралмас қисми ҳисобланган ижтимоий тармоқларнинг ривожланишига ҳам олиб келди, натижада фуқароларимиз ўзаро суҳбатлашиш, маълумот алмашиш, радио, телевидение, олди-сотди, электрон биржа савдолари, онлайн ўқиш, реклама ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишни бошлади. Бу эса бир вақтда интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда солиққа тортилмаган ҳамда солиқ базасини топиш ва солиқ солиш механизми йўқлигидан фойланган фуқароларимиз интернет ресурсларни актив қўллаган ҳолда даромад олишига олиб келди.

Ушбу пул оқимларини, даромад манбаларини назорат қилиш ҳамда тегишли тартибда уларни солиққа тортиш механизмлари бугунги кунда Солиқ кодексида ўз аксини топмаган. Фақатгина интернетда ижтимоий тармоқлардан фойланган ҳолда даромад топган жисмоний шахслар тегишли тартибда жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғини тўлашлари кўрсатиб ўтилган холос. Ушбу олинаётган даромадлар солиқ органларида кўринмайди, шу сабабли бу фуқароларни олаётган даромадларини солиққа тортишнинг имконияти йўқ бўлган тақдирда ҳам уни исботлаш тизими яратилмаган.

Жумладан, оддий “Telegram” ижтимоий тармоғидан фойдаланувчиларни олсак, бу ерда канал, бот ва гуруҳлар тузган ҳолда фойдаланиш ёки ишлатиш мумкин, фуқаро шундай қулай имкониятлардан фойланган ҳолда бепул реклама ишини, товарларни олди-сотди, хизмат кўрсатиш, онлайн ўқиш, маслаҳатлар, бугунги кунда эса жуда фаоллашган олди-сотди ва етказиб бериш хизмати амалга ошириб келмоқда, хизмат ҳақини эса “Click” ёки “Payme” электрон тўлов воситалари орқали жисмоний шахсларнинг шахсий банк пластик карточкаларига қабул қилмоқда.

Бугунги кунда, ижтимоий тармоқларда бунақа хизмат кўрсатувчилар жуда кўп, шу қаторда қонуний тарзда давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорларга қарашли савдо шахобчаларидан фуқаролар маҳсулот харид қилиб, тўловни пластик картаси олқали тўламоқчи бўлса, тадбиркор тўловни терменал орқали қабул қилмасдан, ҳар-хил баҳоналар билан тўловни “Click” орқали шахсий пластик картасига ўтказиб олмоқда, сабаби товар айланма маблағларини ҳисоб рақамига кўрсатмаслиги, натижада солиқ базасини камайтиришга ва солиққа тортилмаган даромад олишга олиб келади.

Солиқ органларида солиққа тортилмаган даромадларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва солиққа тортиш механизими етарлича эмас. Биргина “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали реклама хизматини кўрсатувчи айрим каналларда 100 мингдан ортиқ обуначилари бор, бундай гуруҳларда бир кунда юзлаб доимий равишда рекламлар берилиб, худди шундай қонуний фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларига нисбатан бир неча баробар ноқонуний айланма орқали даромад кўришлари мумкин.

Мазкур ҳолатлар натижасида бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида бир қатор муаммоларни кузатиш мумкин.

Муаммо: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5252-сон қарорига мувофиқ, накд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субекталари томонидан 2022 йил 1 январдан “Online” назорат касса машинасини ўрнатилиши мажбурийлиги белгиланган. “O‘rikzor savdo kompleksi”да фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан “Online” назорат касса машинасини харид қилиши бўйича белгиланган тўловни тўлаш ва ҳар ойлик абонент тўловини амалга ошириш юзасидан зиддиятли вазиятлар келиб чиқмоқда.

Таклиф: Солиққа оид ҳуқуқбузарликни камайтириш ва тадбиркорлик субъектларига қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида, белгиланган ҳар ойлик абонент тўлови миқдорини чораклик тўлаш тартибини жорий этиш ва тўлов миқдорини 50 фоизга пасайтириш лозим.

Муаммо. Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузганлик, накд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда оширганлик ёки пасайтирганлик, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширганлик, шунингдек, идентификация қилиш воситалари билан мажбурий рақамли маркировка қилиш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўлланилганлик ёки маркировка мавжуд эмаслиги бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганида истеъмолчилар томонидан мобил илова орқали электрон тарзда мурожаат этишлари учун етарлича шароитлар яратилмаган.

Таклиф: Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини янада ҳимоя қилиш ва улар томонидан мобил илова орқали электрон тарзда мурожаат этишлари учун етарлича шароитлар яратиш мақсадида, барча савдо шахобчаларида QR-кодиёпиштирилишини тўлиқ таъминлаш. Шунингдек, бозор худудида ўрнатилган электрон маълумотлар мониторларда солиққа оид ўзгаришлар, фуқароларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, мурожаат этиш тартиб-қойдалари ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган видеороликларни доимий равишда намойиш этиб борилишини таъминлаш.

Хулоса қиладиган бўлсак, хуфёна иқтисодиётга сабаб бўлаётган омиллардан бири, бу тадбиркорлик субъектлари (асосан савдо ва умумий овқатланиш) билан муносабатда бўлувчи шахсларнинг харид чекини талаб қилмаслиги ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари орасида носоғлом рақобат муҳитининг шаклланишига олиб келади. Агар ҳар бир истеъмолчи томонидан чек талаб қилинса, хуфёна иқтисодиёт улуши қисқариши баробарида, солиқлардан бўйин товлаш ҳолатлари камайиб, бюджет тушумлари ошиб боради. Натижада мамлакат иқтисодиёти ривожланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бекряшев А.К., Белозеров И.П. “Теневая экономика и экономическая преступность” / и криминальной экономики. Понятие и структура теневой экономики.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5252-сон қарори *(lex.uz);*
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони *(lex.uz);*
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари *(stat.uz).*